

ва малакага эга мутахассисларнинг меҳнатини тақозо этади. Агар ушбу жараёнлар етарли мутахассис ва ходимлар билан таъминланмаса, уларнинг пухта ва ҳаётийлик даражаси пасайиб, амалиётга жорий этиш даражасига салбий таъсир кўрсатади.

Ушбу фикр-мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, бугунги кунда “Ўзбекистон-2030” стратегиясида белгиланган маҳаллани ривожлантириш йўналишлари бўйича мақсадларнинг самарали рўёбини таъминлаш учун куйидаги тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- маҳаллалардаги “еттилик тизими” ходим ва мутахассислари фаолиятларининг ўзаро мувофиқлигини таъминлаш;
- мазкур тизим фаолиятидаги тақрорланишларни бартараф этиш;
- ижтимоий мақсадда йўналтирилаётган маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;
- аҳолининг турли муаммоларини ҳал этиш ва эҳтиёжларини таъминлашда юқори идораларга боғлиқликни бартараф этиш, мустақилликни таъминлаш;
- маҳалла идоралари фаолиятидаги шаффофлик ва тезкорликни таъминлаш мақсадида бошқарув жараёнларини тўлиқ рақамлаштириш ва бошқалар.

Юқорида белгиланган тизимли чора-тадбирларнинг самарали амалга оширилиши ўз навбатида халқимизнинг узоқ даврлик тарихий кадриятлари, миллий анъаналарига мувофиқ келувчи бошқаришда маҳалла институтининг роли ва мавқеини оширишга имкон яратади.

## **ХУДУДЛАРДА БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИГА ЭРИШИШДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ**

*М. Ш. Усманов, ф.ф.д.,  
Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси  
Давлат ва ҳуқуқ институти бош илмий ҳодими  
Э. Саминов, мустақил тадқ.  
Республика Барқарор ривожланиш маркази*

2015 йилда қабул қилинган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Глобал “Кун тартиби – 2030” да, **17 та Барқарор ривожланиш мақсадларига (БРМ) эришиш доирасида глобал шерикликни ривожлантириш**, шунингдек бундай шерикликни мустаҳкамлаш учун фуқаролик жамияти институтларини (ФЖИ) жалб этиш кўзда тутилган<sup>13</sup>.

Бунда глобал шериклик фуқаролик жамияти институтлари билан кенг ҳамкорликни ривожлантириш, манфаатдор томонлар БРМга эришишга ўз ҳиссаларини қўшишларига имкон берувчи инклюзив, хавфсиз ва қулай шароитларни, муҳитни яратиш лозимлиги ҳам кўрсатиб ўтилган. Натижада

<sup>13</sup> Повестка дня в области устойчивого развития. Электрон ресурс: <https://www.un.org/sustainabledevelopment/ru/about/development-agenda/>

бугунги кунда БРМ ғояларини илгари суришга улкан ҳисса қўшаётган фуқаролик жамияти коалициялари мавжуд (дунё бўйлаб 70 мингдан зиёд нодавлат/ноҳукумат, нотижорат ташкилотларни (ННТ) қамраб олади).

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, **БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитасининг** 1996 йил 25-сонли “**Давлат ишларини юритиш ва овоз бериш ҳуқуқи ҳақидаги**” ва 2011 йил 34-сонли “**Фикр эркинлиги ва уларни эркин ифода этиш ҳақидаги**” умумий тартибдаги мулоҳазаларига кўра ахборот олиш ҳуқуқи – фикр ва сўз эркинлигини ифода этиш ҳуқуқининг асосий таркибий қисми ҳисобланади. Зеро ахборотга эга бўлмай туриб, самарали фаолият юритиш имконсизлиги қайд этилган<sup>14</sup>.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгашнинг фикр эркинлиги ва уларни эркин ифода этиш ҳуқуқини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш бўйича махсус маърузачиси **Дэвид Кэйнинг** фикрича, шунчаки ахборот олиш сиёсатини тарғиб қилиш самарали натижаларни бермайди. Давлат органлари ихтиёридаги ахборотни олиш ҳуқуқини таъминлаш халқаро ҳуқуқдан келиб чиқадиган қатъий ва принципиал сиёсат бўлиши керак<sup>15</sup>.

Шу билан бирга, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича собиқ Олий Комиссари **Зейд Раад аль Хусейннинг** 2016 йилги ҳисоботида фуқаролик жамияти институтларининг фаолияти учун “**хавфсиз ва қулай шароитлар**” яратиш, уларни қўллаб-қувватлаш учун, хусусан: БРМга эришиш мақсадида давлат органлари билан ФЖИлар ва бошқа манфаатдор томонлар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва қўллаб-қувватлаш; веб-технология ва ижтимоий тармоқлар имкониятларидан кучли ва самарали коммуникациялар воситаси сифатида фойдаланиш; ФЖИларнинг салоҳиятини мустаҳкамлаш ва уларнинг молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш лозимлиги каби тавсиялар берилган<sup>16</sup>.

Шу муносабат билан Барқарор ривожланиш маркази **Ф.Эберт** жамғармаси (Германия) кўмагида “**Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини**

<sup>14</sup> БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитасининг 1996 йил 25-сонли “Давлат ишларини юритиш ва овоз бериш ҳуқуқи ҳақидаги” умумий тартибдаги мулоҳазалари. Электрон ресурс: <http://hrlibrary.umn.edu/russian/gencomm/Rhrcom25.html>

БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитасининг 2011 йил 34-сонли “Фикр эркинлиги ва уларни эркин ифода этиш ҳақидаги” умумий тартибдаги мулоҳазалари. Электрон ресурс: <http://hrlibrary.umn.edu/russian/gencomm/Rhrcom34.html>

<sup>15</sup> Қаранг: Доклад Специального докладчика Совета по правам человека по вопросу о поощрении и защите права на свободу мнений и их свободное выражение (Резолюция Генеральной ассамблеи ООН № А/72/350 от 18.08.2017 г. – <https://documents-dds-ny.un.org/doc/UNDOC/GEN/N17/262/74/PDF/N1726274.pdf?OpenElement>; Доклады Специального докладчика СПЧ: Поощрение и защита права на свободу мнений и их свободное выражение (А/73/348 от 29 августа 2018 г.) - <https://documents-dds-ny.un.org/doc/UNDOC/GEN/N18/270/44/PDF/N1827044.pdf?OpenElement>; Поощрение и защита права на свободу мнений и их свободное выражение (А/74/486 от 9 октября 2019 г.) - <https://documents-dds-ny.un.org/doc/UNDOC/GEN/N19/308/15/PDF/N1930815.pdf?OpenElement>; Поощрение и защита права на свободу мнений и их свободное выражение (А/75/261 от 28 июля 2020 г.) - <https://documents-dds-ny.un.org/doc/UNDOC/GEN/N20/197/88/PDF/N2019788.pdf?OpenElement>; Дезинформация и свобода мнений и их свободное выражение (А/НRC/47/25 от 13 апреля 2021 г.) - <https://documents-dds-ny.un.org/doc/UNDOC/GEN/G21/085/66/PDF/G2108566.pdf?OpenElement>

<sup>16</sup> Қаранг: Доклад Верховного комиссара Организации Объединенных Наций по правам человека. Практические рекомендации для создания и поддержания безопасных и благоприятных условий для деятельности гражданского общества, основанные на передовой практике и извлеченных уроках. 2016. Электронный ресурс: <http://undocs.org/ru/A/HRC/32/20>

**жалб қилиш орқали жамиятнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари ҳақида хабардорлигини ошириш**” мавзуида илмий-ижтимоий тадқиқот ўтказди<sup>17</sup>. Хусусан, 200 та ННТнинг 1000 дан зиёд ходимлар ўртасида суҳбатлар, анкета, телефон ва онлайн сўровномалари ҳамда эксперт сўрови ўтказилди, давлат тузилмалари, ФЖИлар вакилларидан ташкил топган 4та фокус-гурӯҳлар вакиллари билан ўртача 60-90 дақиқани ташкил этган мунозаралар ўтказилди.

Тадқиқотлар, шунингдек, соҳадаги қуйидаги мавжуд камчиликлар, етишмовчиликлар ва ҳали ишлатилмаган имкониятлар мавжудлигини ҳам кўрсатди:

**биринчидан**, ФЖИлар фаолиятида БРМларга эришиш бўйича фаолликнинг етишмаслиги. Бу, авваламбор, ФЖИлар БРМ ҳақидаги сифатли ахборотга эҳтиёж ҳис қилаётгани, уларнинг соҳага тегишли ахборот ва ғояларни излаш, қабул қилиш, йиғиш, тизимлаштириш ва тарқатиш ҳуқуқларини таъминловчи самарали механизм (платформа) яратиш зарурати билан боғлиқ;

**иккинчидан**, сўровномада иштирок қилган 24,3% ННТ вакиллари соҳада ФЖИларнинг ўзлари ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш лозимлигини таъкидлаган бўлса, 65%дан зиёди бу борада давлат тузилмалари билан ФЖИлар ўртасидаги ижтимоий ҳамкорликни ривожлантириш зарурлигини таъкидлаган;

**учинчидан**, респондентларнинг 33,2% “малакали кадрлар тақчиллиги” ва 30,2% - “молиявий ресурсларнинг етишмаслиги” БРМни амалга оширишдаги иштироки ва бу борада ихтиёрий ёки фуқаролик шарҳларини тайёрлашда ФЖИга “тўсқинлик қилувчи” асосий омиллар, деб билади.

Тадқиқотлар асосида қуйидаги йўналишлар бўйича тегишли **тавсиялар ҳам ишлаб чиқилди**.

**Биринчи йўналиш. Миллий БРМга эришишда Жамоатчилик кенгашлари фаоллигини ошириш соҳасида:**

•БРМни амалга ошириш бўйича ННТ, ФЖнинг бошқа институтлари иштирокида давлат органлари ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашларининг тизимли маслаҳатлашувлари учун ягона виртуал платформа яратиш;

•миллий БРМга эришишда давлат органларининг ННТ ва ФЖнинг бошқа институтлари билан ижтимоий шерикликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш;

•давлат органи фаолиятининг очиқлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар мониторингини амалга ошириш, уларни янада такомиллаштириш.

**Икинчи йўналиш. Ёшларни Миллий БРМни тарғиб қилиш ва уларга уларга эришиш жараёнларига кенг жалб этиш:**

•мактаблар, олий таълим ва давлат органларида барқарор ривожланиш соҳасида билимни ошириш, шунингдек ННТлар, ОАВ ва ФЖнинг бошқа институтлари вакиллари қамраб олувчи «Барқарор ривожланиш мақсадлари» борасида аҳоли хабардорлигини оширишга қаратилган дастурни ишлаб чиқиш;

<sup>17</sup> “Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини жалб қилиш орқали жамиятнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари ҳақида хабардорлигини ошириш” илмий-амалий тадқиқот. Электрон ресурс: <https://brmnnt.uz/files/news/33862/polnostyu.pdf>

•олий таълим муассасаларида **“БРМ ёшлар элчиларини”** тайинлаш амалиётини жорий этиш, уларнинг ҳар бири **17 та БРМдан биттасини ифодалайди.** Бу борада малакали ёш кадрларни танлаш ва тайёрлаш механизмини яратиш;

•талабалар ва ўқитувчилар ўртасида БРМнинг турли йўналишлари бўйича **«БРМ ҳақида нималарни биласиз?», «Барча учун таълим соҳасида БРМнинг вазифалари»** каби мавзуларда танловлар ўтказиш;

•кутубхона, ахборот-ресурс, маданият ва санъат марказларининг салоҳиятидан фойдаланиб БРМ ҳақида аҳолининг хабардорлигини ошириш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, бу борада ривожланган мамлакатларнинг илғор тажрибасидан фойдаланиш.

**Учинчи йўналиш. ННТ ва ФЖ бошқа институтларининг аҳолини БРМ ва миллий БРМни амалга ошириш ҳақида хабардор қилиш соҳасидаги салоҳиятини ошириш мақсадида:**

•БРМни амалга ошириш ва Ихтиёрий миллий ва альтернатив фуқаролик маърузаларини тайёрлашда ЎзННТМА ва бошқа тадқиқот ҳамда таҳлил марказларининг фаолиятини кучайтириш, бу борада «ННТ уйлари» имкониятларидан ўзига хос платформа сифатида фойдаланиш. **ЎзННТМА ва Барқарор ривожланиш маркази фаолиятини** «Кун тартиби – 2030»ни амалга ошириш жараёнлари, хусусан ФЖИ ва минтақавий бўлинмаларини жалб этиш кўламини кенгайтириш, уларни БРМ аниқ йўналишлари бўйича ихтисослаштириш ҳамда аҳолини миллий БРМга эришиш жараёнлари ҳақида кенг хабардор қилиш бўйича фаоллаштириш;

•**“давлат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги муносабатларнинг янги стандартлари – ривожланишнинг янги стратегиялари – ҳамкорликнинг янги моделлари”** ва **“Мақсадларнинг бирлиги ва манфаатлар муштараклиги”** тамойилларига асосланган ҳамда Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси, Барқарор ривожланиш соҳасидаги Миллий мақсад ва вазифаларни амалга оширишда давлат органлари ва ФЖИ ўртасида ижтимоий шерикликни янада ривожлантиришни назарда тутувчи чоратadbирлар мажмуини амалга ошириш. ННТларга мақсадли давлат субсидиялари, ижтимоий буюртмалар ва грантларни ажратишни кенгайтириш;

•ФЖИнинг миллий БРМ вазифаларини амалга оширишдаги салоҳиятини ошириш учун замонавий ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан фойдаланишни кенгайтириш, уларни мақсадли гуруҳлар, шу жумладан ёшлар, аёллар ва аҳолининг ёрдамга муҳтож қатлами билан ишлашга йўналтириш. Хусусан, ижтимоий тармоқларда, масалан БРМ ҳақида кенг қамровли маълумотларни ўз ичига олган ягона телеграм канал яратиш орқали жамоатчиликнинг хабардорлигини ошириш;

•мамлакатнинг аниқ бир ҳудуди учун БРМнинг глобал ва миллий мақсадларини маҳаллийлаштириш. Айнан аниқ мақсадлар ҳудуддаги ННТга БРМ амалга оширишда самарали ҳаракат қилиш имконини беради. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун ҳудудий журналист ва ННТ вакилларининг БРМ ҳақидаги билимларини ошириш бўйича тренинглар ташкил этиш;

•БРМ ҳақида таҳлилий ҳисоботларни тайёрлаш бўйича мамлакатдаги тадқиқот ва таҳлил марказларининг фаолиятини қўллаб-қувватлаш, БРМ соҳасида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг жамоатчилик экспертизасини ташкил этиш, жамоатчилик эшитувлари, самарали жамоатчилик назоратнинг бошқа турларини амалга ошириш, келажакда медиа маконида тарқатиш мақсадида БРМ ҳақида ахборот-таҳлилий материаллар, ўқув видеороликлари ва фильмлар яратиш;

•хусусий ОАВнинг БРМ тарғиб қилиш соҳасидаги фаолиятини қўллаб-қувватлаш, улар томонидан чоп этилаётган материаллар БР мақсадлари билан бевосита боғлиқ бўлиши лозим;

•миллий БРМ ҳақида жамоатчилик фикрини ўрганиш амалиётини кенгайтириш ва уларнинг натижаларини эълон қилиб бориш.

**Тўртинчи йўналиш. ФЖИнинг БРМ ва миллий БРМни амалга ошириш жараёни ҳақида маълумот олиш имкониятини таъминлаш бўйича давлат органлари фаоллигини ошириш соҳасида:**

•БРМни амалга ошириш ҳамда Ўзбекистоннинг ушбу соҳадаги халқаро мажбуриятларини бажариш бўйича ННТларнинг кенг иштирокида жамоатчилик учун мунтазам брифинглар ўтказиш амалиётини кенгайтириш;

•БРМга эришиш масалалари бўйича миллий ва минтақавий форумларни ўтказиш. Ушбу форумларни минтақавий ташкилотлар доирасида – МДХ, ШХТ ёки Марказий Осиё мамлакатлари орасида ҳам ўтказиш мумкин.

Юқоридаги таклифлар ва тавсияларнинг амалга оширилиши, фикримизча, фуқаролик жамияти институтларининг глобал ва миллий БРМларга эришишдаги иштирокини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқади.

## **СТИМУЛИРОВАНИЕ СОКРАЩЕНИЯ ВЫБРОСОВ ПАРНИКОВЫХ ГАЗОВ НА ОСНОВЕ ЭКОЛОГИЧЕСКОГО НАЛОГООБЛОЖЕНИЯ**

*С.А.Воронин, д.э.н., проф.*

*Институт бюджетно-налоговых научных исследований при Министерстве экономики и финансов Республики Узбекистан,*

*Ташкентского филиала РЭУ им. Г.В. Плеханова*

*Ф.М.Азимова, старший преподаватель*

*Ташкентского филиала РЭУ им. Г.В. Плеханова*

На состояние окружающей среды во многом влияют выбросы загрязняющих веществ, которые возникают при производстве энергии на основе угля, нефти и других не возобновляемых источников энергии. Учитывая нарастание негативных процессов, правительствами многих стран принимаются меры по снижению вредных выбросов. В шотландском Глазго с 31 октября по 13 ноября 2021 г. проходил международный саммит по климату Conference of the Parties (COP26). В эту структуру входят 197 стран, подписавших Рамочную конвенцию ООН об изменении климата (РКИК ООН) в 1992 году. Основная цель